# Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!

HAQSEVAR ONA YURT, MANGU BO`L OBOD!

# TOSHKENT HAQIQATI

VILOYAT IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETASI

2023-yil 30-avgust CHORSHANBA № 63 (13622)

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline_24 Haqiqat online haqiqatonline_ QR-kod


# ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ



**Нурафшон шаҳрида бир гуруҳ юртдошларимизга давлат мукофотларини топшириш маросимлари бўлиб ўтди.**

## Эътироф

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 32 йиллиги муносабати билан давлатимиз раҳбарининг бир қатор Фармонлари эълон қилинди. Унга кўра, Тошкент вилоятидан тиббиёт, иқтисодиёт, фан, таълим, адабиёт ва бошқа соҳаларда фидойилик кўрсатган бир гуруҳ вакилларимизга давлатимизнинг юксак мукофотлари тантанали равишда топширилди.

Тадбирни вилоят ҳокими Зойир Мирзаев кириш сўзи билан очиб, мукофотланганларни халқимиз ва давлатимизнинг юксак эътирофига сазовор бўлганликлари билан самимий муборакбод этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 26 августдаги “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўттиз икки йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, адабиёт, маданият, санъат соҳалари ва оммавий ахборот воситалари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ, Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотларга қўшган муносиб ҳиссаси, ўзининг ёрқин истеъдоди, кенг қамровли ижодий, илмий-амалий фаолияти билан халқимиз маънавиятини юксалтириш, мамлакатимизда илм-фан, таълим, адабиёт, маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш, ёшларимизни она юртга муҳаббат ва садоқат, умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш йўлидаги улкан хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун бир гуруҳ юртдошларимиз фахрий унвон, орден ва медаллар билан тақдирландилар.

Улар орасида вилоятимиздан қуйидагилар бор:

**«Ўзбекистон Республикаси халқ шоири» фахрий унвони билан**

**Шеров Абдулла** – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

**II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан**

**Машарипова Дано Янгибоевна** – Чирчиқ шаҳридаги 7-умумий ўрта таълим мактаби директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари

**Халмирзаева Сайёра Шукуровна** – Тошкент давлат аграр университетининг ўзбек тили ва адабиёти кафедраси доценти

(Давоми 2-саҳифада)

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН МАКТАБ ОСТОНАСИДАН БОШЛАНАДИ

**Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев Қибрай туманида халқ таълимини ислоҳ қилиш бўйича вилоятдаги соҳа масъуллари иштирокида кенгайтирилган Кенгаш йиғилишини ўтказди.**



Унда мактабларда таълим сифатини ошириш, битирувчиларни олий таълим муассасаларига қамраб олиш, педагог кадрларнинг малака тоифаларини ошириш, ўқувчи-ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик иллатларининг олдини олиш, маънавий-маърифий ишлар самарадорлиги ҳамда таълим масканларининг инфратузилмасини яхшилаш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш каби долзарб масалалар ўрин олди.

Йиғилишда Зойир Мирзаев томонидан тизим чуқур таҳлил қилинди. Таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга ажратилган 2,3 трлн. сўм давлат маблағлари ҳисобига 19 минг 583 ўринли 44 та мактаб таъмирланди. Натижада 14 минг 84 та янги ўқувчи ўрни яратилишига эришилди.

Шунингдек, тадбирда тизимда мавжуд муаммо ва камчиликлар ҳам танқидий кўриб чиқилди.

Хусусан, 100 дан ортиқ мактаблар мукаммал таъмирга муҳтожлиги, уларда спорт зали мавжуд эмаслиги, марказлашган ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси, уларни бартараф этиш масалалари муҳокама этилди.

Тадбир сўнгида соҳа фидойилари бўлган бир гуруҳ устозлар тақдирланди.

**Ўз мухбиримиз**




## Вилоят бўйлаб

Ватанимиз мустақиллигининг 32 йиллиги муносабати билан **ТОШКЕНТ вилоятининг** барча шаҳар ва туман марказларида “Янги ҳаёт учун, янги Ўзбекистон учун!” шиори остида байрам тадбирлари ва халқ сайиллари бўлиб ўтмоқда.



Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 32 йиллик байрами арафасида **БЎСТОНЛИК туманида** жойлашган ҳарбий қисм хизматчилари учун 24 та оилавий хизмат хонадонлари фойдаланишга топширилди.



**ОҲАНГАРОН шаҳрининг** “Бўстон”, “Мустақиллик” ҳамда “Бахт” маҳаллаларининг янги бинолари фойдаланишга топширилди. Шунингдек, ҳудудда “CLEAR KIDS” номли оилавий боғчанинг очилиш маросими ҳам бўлиб ўтди.



**ҚИБРАЙ туманининг** “Янгийўл” маҳалласида "Темир” ва ”Аёллар дафтари"да рўйхатда турувчи, эҳтиёжманд ва боқувчисини йўқотган оилалар ҳолидан хабар олиниб, уларга озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди.



**ЧИНОЗ туманидаги** “Тиллаобод” маҳалласида веломарафон ўтказилди. Мусобақада 200 нафардан зиёд ўғил-қизлар иштирок этишди.

# Шукуҳли айём туҳфалари

**Мустақиллигимизнинг 32 йиллиги ҳамда янги ўқув йили арафасида Паркент туманида мукаммал таъмирдан чиққан таълим муассасалари фойдаланишга топширилди.**



Хусусан, тумандаги 15, 57, 58-умумтаълим мактблари, 23-сонли мактабгача таълим ташкилоти ҳамда “Ҳуррият” маҳалласи биноларининг очилиш маросими бўлди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур мактабларда ўқувчиларнинг сифатли таълим олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган: мактаблар янгича қиёфага келтирилиб, фасад қисмидан тортиб, ички, коммунал ва иссиқлик тизимларигача янгиланди.

Шунингдек, ушбу мактабларнинг кутубхона фонди 5 мингга яқин китоблар билан бойитилди.

**Тошкент вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати**

## Ўзбекистон – умумий уйимиз



# Дўстлигимизга кўз тегмасин

**Хабарингиз бор, ўтган ҳафтада Юртбошимиз давлат ташрифи билан Озарбайжон давлатида бўлди. Ташриф доирасида Фузулий шаҳрида 960 ўринга мўлжалланган Мирзо Улуғбек номидаги 1-сонли мактабнинг очилиш маросими бўлди. Янги мактаб халқларимизни янада яқинлаштириш, ўсиб келаётган озарбайжонлик ўғил-қизларни Ўзбекистоннинг бой тарихи ва маданияти, буюк аждодларимизнинг мероси билан танишишига хизмат қилади.**

**Азалдан икки халқ ўртасида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалар мустаҳкам, тили, урф-одатлари бир-бирига яқин бўлган.**

(Давоми 2-саҳифада)

## Хушхабар

**Германияда каноэда эшкак эшиш бўйича ўтказилаётган Жаҳон чемпионатида Нурафшон фарзанди Артур Гулиев биринчи ўрин ва олтин медалга сазовор бўлди.**

**Охирги марта ушбу йўналишда олтин медални 2010 йилда Ўрта чирчиқлик Вадим Меньков қўлга киритиб, шоҳсупанинг юқори поғонасига кўтарилган эди.**



## Ҳамкорлик

# Тақдимот, таклиф, келишув



**Туркиялик инвесторлар томонидан Янгийўл туманининг “Умид” маҳалласидаги 450 гектар ер майдонида ташкил этилган “Гарден СФС” МЧЖ раҳбарияти боғдорчиликда янги истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида туман ҳокими Одилжон Атауллаев билан учрашди.**

Унда инвесторлар томонидан янги лойиҳалар тақдимоти ўтказилди. Хусусан, лойиҳанинг биринчи босқичида 2024 йилда 100 гектар ер майдонида узумчиликни йўлга қўйиш режалаштирилган. Мазкур лойиҳага 1 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилиб, 120 та янги иш ўрни яратилиши режалаштирилган.

Маълумки, боғдорчилик маҳсулотларини сифатли ва экспортбоп қилиб сақлаш учун музлаткич омборхона талаб этилади. Инвесторлар томонидан лойиҳанинг иккинчи босқичида 5 минг тонна сиғимли музлаткич қуриш ҳам кўриб чиқилди.

Шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини замонавий усулда қуритиш, қадоқлаш ускуналари ҳамда меваларни қайта ишлаш тизимини ишга туширишга келишиб олинди. Боғдорчилик маҳсулотларини ташқи бозорларга олиб чиқиш юзасидан музокаралар олиб борилди.

**Тошкент вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати**

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 26 августдаги “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўттиз икки йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ, вилоятимиздан қуйидагилар тақдирландилар:

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пиллачи» фахрий унвони билан**

**Пардаева Зубайда Мусаевна** – Ўрта Чирчиқ туманидаги «Агропилла» масъулияти чекланган жамияти ҳудуд агрономи

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими» фахрий унвони билан**

**Староверов Олег Владимирович** – «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамияти «Ёшлик-1» конини ўзлаштириш лойиҳаси директорининг биринчи ўринбосари

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими» фахрий унвони билан**

**Закиров Шухрат Фатхуллаевич** – «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг «Ўзбекистон» локомотив депоси «Афросиёб» юқори тезюрар электропоезди машинист-мураббийси

**«Меҳнат шуҳрати» ордени билан**

**Мерганов Хакимжан Эргашевич** – «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг рух заводи эритиш цехи гидрометаллург-аппаратчиси

**Пирматов Рашид Хусанович** – «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси – бош директори

**Холтоев Туроп** – Паркент тумани нуронийлар жамоатчилик кенгаши фаоли

**«Дўстлик» ордени билан**

**Асатов Сайфулла** – Тошкент вилояти нуронийлар жамоатчилик кенгаши фаоли

**Махмудова Шохиста Асадовна** – Бекобод туманидаги шахсий томорқа ер эгаси

**Турдимуротов Абдурахмон Умуркулжонович** – «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг электрда пўлат эритиш цехи пўлат эритувчиси

**«Содиқ хизматлари учун» медали билан**

**Ахмедова Наргиса Газибаевна** – Зангиота туманидаги «Эски қалъа» маҳалла фуқаролар йиғини раиси

**«Жасорат» медали билан**

**Юсифбоев Мухаммад Тангир ўғли** – Қуйи Чирчиқ туманидаги «Маданият» маҳалла фуқаролар йиғинидаги ёшлар етакчиси

**«Шуҳрат» медали билан**

**Тураева Анзират** – Паркент тумани ***(100 ёшдан ошган)***

**Кудайбердиев Хасан Исамидинович** – «Ўзбеккўмир» акциядорлик жамиятининг «Ангрен кўмир кони» филиали конвейер машинисти

**Махмудов Санжар Қодирович** – «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг «БелАЗ» ҳайдовчиси

**Рахмонова Барно Хайдаралиевна** – Пискент туманидаги «Оқтом» маҳалла фуқаролар йиғини раиси

**Нарзуллаев Джахонгир Закиржонович –** «Янгийўл металл конструкция» корхонасининг харид ва таъминот дирекцияси директори

**Субҳонқулов Мухаммад Бобир Жамшедович** – «Янгийўл металл конструкция» корхонаси менежери

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 августдаги “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўттиз икки йиллиги муносабати билан юқори натижаларга эришган спортчи ва мураббийлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ, вилоятимиздан қуйидагилар мукофотландилар:

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози» фахрий унвони билан**

**Ярашов Ергали Абубакирович** – Қибрай тумани спорт мактабининг бокс бўйича мураббийси

**«Шуҳрат» медали билан**

**Рахимжанов Иляс Бурихանович** – Тошкент вилояти яккакураш спорт турларига ихтисослаштирилган спорт мактабининг бокс бўйича катта мураббийси

**Собиров Пахлавонжон Анваржонович** – Чирчиқ олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказининг таэквондо бўйича мураббийси

*Таҳририятимиз номидан барча мукофотланганларни қутлаймиз.*

# КЕКСАЛАР ИБРАТИ – ҲАЁТНИНГ ҲИКМАТИ



**Нурафшон шаҳрида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 32 йиллиги байрами арафасида вилоятимиздаги бир гуруҳ меҳнат фахрийлари ва нуронийларга “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишонлари тантанали топширилди.**

**Тадбирда Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев сўзга чиқиб, ҳаёти ибрат ва шижоат намуналарига бой бўлган нуронийларни энг улуғ, энг азиз байрам ҳамда юксак эътироф билан самимий қутлади.**



# Дўстлигимизга КЎЗ ТЕГМАСИН

Биргина Тошкент вилоятида айни вақтда 4 мингдан зиёд озарбайжон миллатига мансуб фуқаролар истиқомат қилишади.

– Дунёда миллатлар, элатлар кўп. Аммо улар орасида қон-қардошингдек яқини бўлади. Биз Ўзбекистонда туғилдик, ўсиб-улғайдик. Қўни-қўшни, дўсту биродарлар билан бир-биримизнинг қадрият, урф-одат ва анъаналаримизни ҳурмат қилиб, қўллаб-қувватлаб келяпмиз. Миллатдошларимизнинг асосий қисми Оҳангарон, Олмалиқ, Ангрен, Чирчиқ шаҳарлари ҳамда Оққўрғон туманида истиқомат қилишади. Улар турли соҳаларда эмин-эркин фаолият кўрсатишмоқда. Бу ажралмас риштадан далолат беради. Биласиз, ўзбек ва озар маданияти,

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)



адабиёти жуда бой. Бизнинг дунёга машҳур шоир ва ёзувчиларимиз ҳам азалдан бир-бирлари билан яқин бўлишган. Алишер Навоий, Низомий Ганжавий бунинг ёрқин мисолидир.

Эсингизда бўлса, ўтган йили Озарбайжон етакчиси Илҳом Алиев давлат ташрифи билан юртимизда бўлди. Ташриф доирасида Озарбайжон халқининг умуммиллий етакчиси Ҳайдар Алиев шарафига аталган кўча ва хиёбоннинг тантанали очилиш маросими ташкил этилди. Тантаналарда озарбайжон миллати вакиллари қаторида вилоятимиздан бир неча киши иштирок этдик. Шу жараёнда икки халқнинг бир-бирига бўлган муҳаббати, самимийлигининг гувоҳи бўлдим. Бу каби учрашувлар миллатлар ўртасидаги дўстлик, қардошлик ришталарини янада мустаҳкамлайди.

Шу кунларда Ватанимиз мустақиллигининг 32 йиллиги кенг нишонланмоқда. Бу байрамни ҳар йили интиқлик билан қарши оламиз. Ўз навбатида эришган ютуқларимизни унга армуғон қиламиз. Вилоят миқёсида ўтказиладиган байрам тадбирларида ҳаммамиз ҳамжиҳат бўлиб қатнашамиз. Сабаби, бу барчамизнинг энг улуғ, энг азиз байрамимиздир. Айниқса, сайил ва тантаналарда "Озарбайжон қизлари" рақс дастасининг чиқишларини мухлислар интиқлик билан кутишади.

Бу йилги байрам тантаналари ҳам кўтаринки руҳда ўтмоқда. Туман ва шаҳарлардаги сайилларда биз ҳам фаол қатнашяпмиз.

Халқларимиз ўртасидаги дўстлик абадий бўлсин!

**Ғолиб МУСУЛМОНОВ,**
**Озарбайжон миллий-маданий маркази раҳбари**
**“Дўстлик” ордени соҳиби**

# ҲЕЧ КИМ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ЭМАС

**Азалдан халқимиз байрам, тўй-тантаналар олдидан бемор ва эҳтиёжманд оилаларни йўқлашни ўзига қадрият санайди. “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да ҳам “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Тошкент вилояти бўлими “Ҳеч ким эътибордан четда эмас” ғояси остида шу каби хайрли ишларга қўл урмоқда.**

Оҳангарон туманидаги “Қизилой” маҳалласида истиқомат қилувчи Жанглашой Сатторова ўтган йили оғир жарроҳлик амалиётини бошидан ўтказди. Ёши олтмишдан ошганда дарди янгиланди. Байрам арафасида “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Тошкент вилояти бўлими ҳамда таниқли санъаткор Тошпўлат Маткаримов опанинг хонадонида бўлиб, ҳолидан хабар олишди.

– Ҳеч ким бетоб бўлмасин экан, – дейди Жанглашой опа. – Кўнглинг ярим бўлиб қоларкан. Шукр, масъуллар тез-тез хабар олиб туришади. Айниқса, байрам арафасида йўқлаб келишганидан кўнглим тоғдек кўтарилди.

Нурафшонлик Насиба Маҳмадова анча йиллардан бери уйининг том қисми эскириб кетганидан азият чекарди. Оила қишнинг ёғин-сочинли кунларида қийналарди. Яқинда фонд томонидан уйининг томи янгилаб берилди.

Шунингдек, фонднинг Ўрта Чирчиқ тумани бўлинмаси томонидан “Халқобод” маҳалласида яшовчи ёлғиз нуроний Мавлуда Ҳакимова ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар Бекноп Каримова ва Анорбуви Ғаниева йўқланиб, совғалар топширилди.

Инсон қадри



Шу куни Бекобод шаҳрилик Ўғилой Тожибоева, Бекобод туманидаги “Бешюз” маҳалласида яшовчи, якка тартибда таълим олувчи вояга етмаган Авазбек Зиябиддинов ва Моҳирбек Набиевнинг яшаш шароити ҳам ўрганилди. Уларга фонд томонидан амалий кўмак берилди.

Таъкидлаш жоизки, ўтган давр мобайнида фонд томонидан бир қатор маънавий-маърифий ва ижтимоий тадбирлар амалга оширилди. Таҳлилларга кўра, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва табиий офатдан жабр кўрган 927 нафар фуқарога жами 1 млрд. 487 млн. сўм хайрия ёрдамлари кўрсатилган. “Саховат ва кўмак” жамғармасининг 31 млрд. 740 млн. сўм хайрия маблағлари ҳисобидан 15 минг 815 та оилага ижтимоий ёрдам қилинган.

Шунингдек, “Темир дафтар”даги 5 минг 142 та оилага 10 млрд. 661 млн. сўм, “Аёллар дафтари”даги 507 нафар хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш учун 761 млн. сўм, эҳтиёжманд деб топилган 10 минг 166 та оилага 19 млрд. 528 млн. сўм сарфланган.

Дарҳақиқат, бугун вилоятимизда кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Зеро, барча саъй-ҳаракатлар инсон қадри, аҳолининг фаровон ҳаёт кечириши учундир!

**Нигора ЭРКИНБОЕВА**

Нишондорларимиз



# "Жасорат"дан туғилган рағбат

**Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўттиз икки йиллиги муносабати билан Президентимизнинг фармонига кўра, Қуйи Чирчиқ тумани “Маданият” маҳалласи ёшлар етакчиси Муҳаммад Юсифбоев "Жасорат" медали билан тақдирланди.**

– Жисмоний имкониятимнинг чеклангани мақсадларимга эришишимда тўсқинлик қилолмайди, – дейди Муҳаммад. – Ҳозирда маҳаллада ёшлар етакчиси бўлиб ишлаш билан бирга Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти университети сиртқи бўлимининг 3 босқичида грант асосида таҳсил оляпман. Давлатимиз раҳбарининг фармонига кўра “Жасорат” медали билан тақдирланишим кутилмаган хушхабар бўлди. Камтарона меҳнатларим эвазига берилган мукофот мени ҳам маънан, ҳам жисмонан руҳлантирди.

Айни пайтда “Маданият” маҳалласида 4 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади, уларнинг 2 мингдан ортиғи ёшлар. Ҳудудда ёшлар билан ишлаш, муаммоларини ҳал этишда ёшлар етакчилари жонбозлик кўрсатишмоқда. Муҳаммаднинг таъкидлашича, жисмоний имконияти чекланган бўла туриб, қилаётган ишларидан кўп ёшлар мотивация олишмоқда.

М. Юсифбоев ёшларнинг муаммоларини ўрганиб, қўлидан келганича ёрдам қилади. Жумладан, у таълим кредити олмоқчи бўлган ёшлар кафил излаб сарсон бўлаётганини кўриб, маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича Республика комиссиясига мурожаат қилиб, “Ёшлар дафтари”нинг кредит бандига “Таълим кредити” йўналишини қўшиш таклифини киритди. Шунингдек, “Ёшлар дафтари” орқали таълим кредитини олаётган йигит-қизларга “Ёшлар жамғармаси” кафил бўлиши таклифини илгари сурди.

– Жорий йилда маҳалламиздаги деҳқончилик қилиш истагини билдирган 6 нафар ёшга 30 йил муддатга 4,5 гектар ер аукцион танлови орқали ажратиб берилди, – дея сўзида давом этди Муҳаммад. – Ер олган ёшлар қандайдир муаммога дуч келса биргаликда ҳал қилишлари учун кооператив тарзда ишлашни йўлга қўйдик. Натижа ёмон бўлмади. Ҳозирда ўша ерда деҳқончилик қилган ёшлар ҳосил йиғишмоқда.

Имконияти чекланган бўлсада, маҳалладаги ёшларга етакчилик қилиб, ёрдам бераётган Муҳаммадга ишларида омад тилаб, хайрлашдик.

**Нигора ЎРОЛОВА,**
**“Тошкент ҳақиқати” мухбири**

Эътироф

# Лолалардан сўз ундирган шоир

**АБДУЛЛА ШЕР.** Исм-шарифи бош ҳарфларда ёзиладиган, сўзга хиёнат қилмай қалам тебратиб келаётган ўзбекнинг катта шоири, Чинознинг танти фарзанди. Абдулла Шернинг фахрий унвон билан мукофотланганини эшитиб, худди ўзим унвон олгандай севиндим. Ҳалигача қувониб юрибман. Яхши гап – яхши-да!

2023 йил 27 августда Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўттиз икки йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, адабиёт, маданият, санъат соҳалари ва оммавий ахборот воситалари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, атоқли шоир Абдулла Шер «Ўзбекистон Республикаси халқ шоири» фахрий унвони билан мукофотланди.

* * *

Чамаси бундан уч-тўрт йил олдин дўконда қаймоқранг муқовали китобни кўриб, ҳеч бир иккиланишсиз харид қилгандим. Одатда, китоб харидида узоқ ўйланаман, мулоҳаза қиламан. Ўшанда нимани ўйлаганим, нимадан таъсирланганим ноаён. Аммо қандайдир бир илиқлик, яқинликни ҳис қилганим ёдимда. Китобнинг номи – «Куртакларга беркинган баҳор».

Ўша китоб менга бу дунёда Абдулла Шер исмли катта шоир борлигини кашф этишимга туртки бўлган. Шундан сўнг бирин-кетин шоирнинг «Гул йиллар, булбул йиллар», «Сарбаст қўшиқлар», «Чайқалган қайиқларда», «Танланган асарлар» китоблари билан танишдим. Натижада Абдулла Шернинг шеърият сайёрасини тобора инкишоф этиб бордим ва адиб энг севимли шоирларимдан бирига айланди:

* * *

*Олис дунё, оппоқ дунё,*
*Қайдасан бугун?*
*Йиғлар дутор, йиғлар сато,*
*Найдасан бугун...*

*Кўзимдаги чўғ томчидан*
*Куйиб кетди ер*
*Ва ширинсўз алдамчидан*
*Қолди аччиқ шеър.*

* * *

*Ёмғирлар оралаб кузатаман жим:*
*Ювиниб боради аста кир дунё.*

* * *

*Шундай мени етаклаб оҳлар,*
*Ёд мулкидан бораман ўтиб.*
*Савобимдан унган гуноҳлар*
*Ҳар тун қийнар ёқамдан тутиб...*



* * *

*Сен осмон-у, мен қуёш эдим,*
*Нур ўпарди ҳаётимизни.*
*Сен ёш эдинг, мен ҳам ёш эдим,*
*Қари дунё айирди бизни.*

* * *

*Не бўлса – бўлди, бас, бўлганим шудир,*
*Кўнглимнинг тўлмаган-тўлгани шудир,*
*Ёзувлик устидан кулганим шудир:*
*Бир ўққа айландим – камондаман мен.*

Эътиборимни тортгани – Абдулла Шернинг шеърлари ўз "паспорти" билан туғилади. Шоир ҳар бир шеърнинг туғилган – ёзилган вақти ва манзилини ёзиб боришни унутмайди. Бу унинг ўз шеърларига бўлган ҳурмат ва эҳтироми, меҳри рамзидир.

* * *

Абдулла Шер – абадий баҳор куйчиси (Сувон Мели таърифи)!

Абдулла Шер – лолалардан сўз ундирган шоир!

1967-1973 йилларда ёзилган «Товушсиз фарёд» шеърий қиссаси орқали халқ озодлиги ва юрт эрки учун курашни, юрагидаги истиқлол орзусини қўрқмай аён қилганди файласуф шоир. Унинг шеърий битикларида катта даъватни кўраман, ҳақиқатнинг рўй-рост тасвири ҳам Абдулла Шер ижодига хос.

Абдулла Шернинг ҳаётий фалсафалар йўғрилган битиклари доимо столим устида туради. Мана ўша «Оқ булутдан томган томчилар»:

**ҲАМЁН ВА МИЯ.** Бу қандай номард дунёки, ҳамма замонда ҳам мияси бўм-бўшнинг ҳамёни тўлиқ, ҳамёни тўлиқнинг мияси бўм-бўш!

**СПОРТЧИ ВА ЁЗУВЧИ.** Спортчи билан ёзувчи бир жиҳатдан бир-бирларига ўхшаш: бири ўз миллий байроғини жаҳон халқлари кўзи олдида кўтарса, иккинчиси уни халқларнинг қалбида кўтаради.

**СОАТЛАР.** Уйимдаги ҳар бир хонада биттадан соат бор. Йўқ, мен коллекциячи эмасман; ўтаётган умримнинг фарёдини ҳамма хоналардан эшитиб туриш учун шундай қилганман.

**ОҒИР ЮК.** Ҳаётимдаги оғирликларнинг энг оғирларидан бири – чўнтагимнинг енгиллиги: у доим мени бир томонга эгилтириб юради.

**ЁМОНЛАРНИНГ ЁМОНИ.** Бошингни деворга уриш-ку ёмон нарса, лекин бош ураман деганингда девор топилмагани ундан ҳам ёмон.

**ҲОЛАТ.** Мен баъзи катта мажлислардаги узундан-узоқ, жимжимадор нутқлардан сўнг ўзимни соқовни мириқиб тинглаган кардек ҳис қиламан.

**БАЪЗИ ШОИРЛАР.** Баъзи шоирларнинг «бетакрор» такрорлари шу қадар рангдорки, ҳар битта банддан тўтининг пати чиқиб туради. Тўтига ачиниб кетасан киши!

* * *

Абдулла Шерни 80-йиллардаёқ Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов ҳақли равишда эътироф қилганди:

«Бу шеърларнинг кўпчилиги ҳақиқий санъат намуналаридир. Улар юксак ғоявий-бадиий фазилатларга эга».

«Абдулла Шер дунёни ўзича кўради, ўзича идрок этади. Унинг шеърларида намоён бўлувчи фикрлар дунёси ҳам, ҳислари ҳам, туйғулар олами ҳам бошқаларникига ўхшамайдиган ўзига хос рангларга эга».

«Абдулла Шер поэзиясида фалсафийликка мойиллик сезилади».

«Абдулла Шер асарларида доимий изланиш руҳи мавжуд. У классик шеърият анъаналарига таянади, устоз шоирлар тажрибасидан фойдаланади ва шеъриятда янги йўллар, янги тасвир воситалари, янги шакллар излайди. Шу маънода у ғазалга ҳам мурожаат қилади, сарбастда ҳам қалам тебратади, шеърий миниатюралар ҳам ижод қилади».

Кўнгилнинг жонли суратлари, ўтган ва ўтаётган йилларнинг, табиатнинг лирик-фалсафий тасвирлари, Ёрга, Ватан ва халққа, ҳақиқатга бўлган бетакрор шеърий изҳорлар ва қалбга яқинлик Абдулла Шер шеъриятининг таянч нуқталаридир.

* * *

Абдулла Шер соҳир шоир ва таниқли файласуф. Аммо моҳир таржимон жуда катта ном. Таъбир жоиз бўлса, унинг шеърияти тарозининг бир палласида тош босса, мутаржимлиги иккинчи паллани босиб кетади. Абдулла Шер таржимаси билан Байроннинг «Дон Жуан», Ҳайнрих Ҳайненинг «Қўшиқлар китоби» тўпламлари ўзбек шеърхонларига жуда яхши таниш. Айниқса, Александр Пушкин, Михаил Лермонтов, Николай Некрасов, Анна Ахматова, Егише Чаренц, Александр Твардовский каби шоирларнинг асарлари таржималари асл ашъорнинг шакли ҳам, руҳи ҳам сақланиб қолгани, айрим ҳолларда ўзбекчада янада юксак бадиий савияда дунё юзини кўргани билан аҳамиятлидир.

Бугун қутлуғ 80 ёшда ҳам ҳормай-толмай ижод қилаётган ҳассос шоиримизга узоқ умр тилаб, чин эътироф, ҳақиқий муносиблик муборак бўлсин, деймиз!

**Отабек ИСРОИЛОВ,**
**Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси**

Тўёна

**Нурафшон шаҳридаги Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Тошкент вилояти бўлими кутубхонасида беш китобнинг тақдимоти бўлиб ўтди.**




# Умиднинг беш юлдузи

Аслида тўйга тўёна билан борилади. Айниқса, бу туҳфа, бу тўёна китоб бўлса, нур устига нур.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Тошкент вилояти бўлими ҳам мустақиллигимизнинг 32 йиллик шодиёнасини ажойиб тўёна билан қарши олмоқда.

Гап шундаки, Тошкент вилоятида туғилиб, камол топаётган, янгидан-янги ижодий изланишлари билан устозлар эътиборига тушган беш нафар ёш қаламкашнинг бешта китоби дунё юзини кўрди.

Хусусан, Гулҳаё Уралова (Бекобод тумани)нинг "Руҳафзо", Ойбек Акбаров (Янгийўл тумани) нинг "Гулдахан", Шоира Тўлаганова (Оҳангарон тумани)нинг "Йўл бошида", Бону Саримова (Юқори Чирчиқ тумани)нинг "Бахт бўлсам керак" номли шеърий тўпламлари ҳамда Отабек Бакиров (Ангрен шаҳри) нинг "Умид" номли публицистик мақолалари жамланган ихчам китобларнинг ҳар бири 1000 нусхадан Ёзувчилар уюшмаси Тошкент вилояти бўлими томонидан "Адабиёт" нашриётида чоп этилди.

"Китоблар кўп, нашриёту босмахоналар ҳам кам эмас. Бирор ижодкор ўз битикларини тўплаб, истаганича, исталган вақтда китоб шаклида ўқувчилар ҳукмига ҳавола этиши мумкин. Айнан шу ҳолат ўқувчилардаги танлаш имкониятини ниҳоятда ошириб юборди. Яхши китоб эса доимгидек ҳар куни чоп этилавермайди", – дейилади беш китобнинг кириш қисмида.

– Юрагимизни мустақиллик шодиёналари тўлдириб турган айни лаҳзаларда мурғак ижодимизга бўлган катта ғамхўрликдан ҳаяжондамиз, – дейди Ойбек Акбаров. – Болалигимда китоб ўқиб, шеър машқ қилиб юрган кезларим ёзганларим бир муқова остида жам бўлишини орзу қилардим. Айни дамларда ҳақиқий ҳаяжон тамини дилдан ўтказиб турибман. Китобни нашрга тайёрлаш жараёнида қатнашганларга миннатдорлик билдираман.

Китобларга Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир Зоҳиджон Олов муҳаррирлик қилган. Тўпламларни эса Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Нигора Шофайзиева нашрга тайёрлаган.

Албатта, бу эътибор, рағбат, ғамхўрлик ёшларни янги марралар сари руҳлантиради.

**Исроил УСМОНОВ**

# Ҳаё



## Мансабу насаб шарафми ёхуд ҳаёу адаб?

"Ҳайрат ул-аброр" достонининг олтинчи мақолати бевосита адаб, тавозуъ ва ҳаё ҳақида. Навоий вафо ва ҳаё тушунчаларини бир-бирига чамбарчас боғлиқ ҳолда кўради. Аммо у ҳаё билан адабни у мансабу насабдан ҳам устун қўяди. Яъни, кишига мансабу насаб эмас, айнан ҳаёу адаб шараф бўлади, деб ҳисоблайди:

*Элга шараф бўлмади жоҳу насаб,*
*Лек шараф келди ҳаёу адаб.*

Кейинги байтда шоир ҳаёни ёғин манбаига ўхшатадики, бу ёмғирнинг ҳар томчиси тупроқни кимё қилади, яъни ундан олтин ундиради:

*Чун, ки ёғин манбаъи ўлди ҳаё,*
*Қатраси тупроғни қилур кимё.*

### ҲАЁ ВА АДАБ БИРЛИГИ

Навоий ҳаёни кўпинча адаб билан ёнма-ён қўллайди:

*Мунча мазаллат бориси булъажаб,*
*Дафъ бўлур келса ҳаёву адаб.*

Мана бу байтда ҳам шундай:

*Вазъи тавозуъда вафо айламак,*
*Даъби адаб бирла ҳаё айламак.*

### ГУЛНИНГ ҲАМ КЎЗИ ТУШМАСИН!

Шу бобдан кейингисида, достондаги қатъий тартибга кўра, ҳикоят келтирилиши зарур. Бу ҳикоят: "Нўширвоннинг ҳаё боғида наргис кўзидин кўзининг наргиси уёлиб, наргис гулрухидин канор истамай, канора истагони", деб номланади.

Нўширвон – Ажам юртининг ҳукмдори бўлган шахс. Адабиётда у адолат тимсоли сифатида гавдалантирилади. Шунинг учун кўпинча "Нўширвони одил" дея улуғланади. Ҳикоя қилинишича, у ҳали ёш пайтида бир қизни севиб қолади. Ҳеч кими йўқ бир чаманзорда хилват топиб, ёри билан суҳбат қуради:

*Бир чаман ичра тузубон хилвате,*
*Гулрух ила қилди аён суҳбате.*

Шоҳ гулузор ёри сари майл қилиб, уни бағрига олмоқ учун қўл чўзади. Қиз ҳам бунга мойил бўлади. Аммо бирдан шоҳ шаштидан қайтади. Хўш нега? Чунки:

*Сунғач илик дилбари мунис сори,*
*Тушти кўзи бир бути наргис сори.*

Ана холос! Шоҳ қизга қўл чўзганда кўзи уларга одамнинг кўзидек боқиб турган гулга – наргисга тушади. Қиз йигитдаги бу ўзгаришдан ҳайрон бўлиб ундан:

*Ким бу не қўл сунмоғу чекмак эди?* – деб аввал қўл чўзиб, кейин тортиб олмоқнинг сабабини сўрайди. Шоҳ эса:

Ким бу висол ичраким воқеъдурур,
Наргиси шаҳло кўзи монеъдурур, – деб жавоб беради.

Демак, висол чоғи агар биргина наргис гули қараб турган бўлса ҳам, ошиқу маъшуқ ундан уялиши керак экан.

Анушервон ўша наргиснинг шаҳло кўзидан уялиш даражасида ҳаёли бўлгани учун бутун оламга подшоҳу унинг одиллиги Ер юзига паноҳ бўлди:

*Жумлайи олам аро шоҳ айлади,*
*Адлини оламға паноҳ айлади.*

Энди шоир ана шу қиссадан ҳисса чиқаради:

*Айш, Навоий, неча дилкашдурур,*
*Лек адаб бирла ҳаё х(в)ашдурур.*

Демак, айшу ишрат ҳар қанча кўнгилтортар бўлса ҳам, инсон учун адаб билан ҳаё бундан ҳам яхшироқ фазилат ҳисобланади.

### ҲАЁ ЗАМИРИДАГИ МАЪРИФАТ

Мақсад Навоийни тушуниш бўлгани учун шу ҳикоят баҳонасида икки нарсани айтиб ўтиш керак.

Биринчиси шуки, наргис – Шарқ мумтоз адабиётида кўз рамзи. Албатта, бунда унинг кўзга ўхшашлигидан келиб чиқилган. Ҳозир бу сўз "наргиз" деб ҳам ишлатилади. "Наргиза" исми ҳам шундан. Эски тилимизда шу исм ҳам асли "Наргиса" бўлган.

Иккинчи масала шундан иборатки, таъби нозик, яъни нуктадон ўқувчи сезган бўлса, қофия тарзида келтирилган хуш сўзи х(в)аш тарзида бошқачароқ ёзилган. Хўш, нима гап: Навоий ҳазрат қофия тополмай, қийналиб қолдилармикан? Йўқ, "хуш" сўзи араб ёзувида "хе", "вов" ва "шин" ҳарфлари билан ифодаланади. Лекин баъзан у, қофия талаби билан, хаш деб ўқилиши ҳам мумкин. Шунинг учун ҳозирги тожик матнчилигида бу сўз "хаш" ўқилиши керак бўлиб қолса, "х(в)аш" деб ёзиладики, китобхон унинг "хуш" сўзи эканидан хабар топади. Биз шу усулни қўлладик.

### ФАРҲОДНИНГ ҲАЁСИ

"Фарҳод ва Ширин"да ҳаё билан боғлиқ яна бир ажойиб воқеа бор. Фарҳод тоғда одамнинг қўлидан келмайдиган катта куч-ғайрат билан ариқ қазиётганининг овозаси саройга ҳам етиб боради. Армания ҳукмдори бўлган Меҳинбону уни кўришга бормоқчи бўлади. Унга жияни Ширин ҳам эргашади. Фарҳод от устидаги Ширинга боқади. Унинг ўша ойинада кўрган қиз эканини билиб, бирдан ҳушидан кетади. Уни кажавага солиб, саройга олиб келишади. Икки кеча-кундуз ҳушига келмайди. Учинчи кеча ўзига келиб, қараса, саройда ётибди. Нима бўлганини эслайди. Юз берган воқеадан қаттиқ уялади. Навоийнинг тасвирича, терга ботиб кетади:

*Ҳаёдин терга бўлди абрдек ғарқ,*
*Ул уйдин чиқти секриб, уйлаким барқ.*

Ҳеч кимга билдирмай, саройдан учиб чиқади-да, яна тоққа бориб, ариқ қазишда давом этаверади:

*Етиб ориққа кўп айлаб такупу,*
*Ҳаё теридин андоқ оқизиб су(в).*

Шу таҳлиллардан ҳам миллий маънавий меросимизда шарму ҳаё нақадар эъзозлангани шоён бўлиб турибди.

**Султонмурод ОЛИМ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими**




TOSHKENT HAQIQATI
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Muassis:
**TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI**



"Toshkent haqiqati" va "Tashkentskaya pravda" gazetalari tahrir hay'ati:

**Zoyir MIRZAYEV**
*(tahrir hay'ati raisi)*
**Ummat MIRZAQULOV**
**Hotamjon SAYDAHMEDOV**
**G'afurjon MUHAMEDOV**
**Sirojiddin ESHQUVVATOV**
**Tohir ARIPOV**
**Mahmud TOIR**
**Uskenboy ATEMOV**
**Abdulla XURSANOV**
**Mahmudjon BOLTABOYEV**
**Kumush EGAMBERDIYEVA**
**Olimjon BEGALIYEV**
**Zarifa ERALIYEVA**
**Sergey MUTIN**

Bosh muharrir:
**G'ayrat SHERALIYEV**

**Qabulxona:** (55) 520-64-95
**Bosh muharrir o'rinbosari:** (55) 520-04-10
**Mas'ul kotib:** (55) 520-05-10
**Bo'lim muharrirlari:** (55) 520-06-20, (55) 520-04-20
**E'lonlar va hisob-kitob bo'limi:** (55) 520-21-20
e-mail: toshkenthaqiqati@umail.uz

Mas'ul kotib:
**Alloma AZIZOVA**
Navbatchi:
**Nozima RASULOVA**

Bosishga topshirish vaqti - 21.00.
Bosishga topshirildi - 21.00
Nashr ko'rsatkichi - 205.
Buyurtma G-831.
6 077 nusxada chop etildi.
Hajmi - 2 taboq. Ofset usulida bosildi. Qog'oz bichimi A–2.
**Bahosi kelishilgan narxda.**

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida 2011-yil 12-yanvarda 03-001 raqami bilan ro'yxatga olingan.

Manzilimiz:
111500, Nurafshon shahri, Toshkent yo'li ko'chasi, 90.
Toshkent shahridagi ofisimiz: Bektemir tumani, Ittifoq ko'chasi, 2.
**ISSN 2010-9318.**

Gazeta «Toshkent haqiqati» tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxo'jayev tomonidan sahifalandi.

Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

**«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi.**
**Korxona manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.**

1 2 3 4 5 6

Реклама ҳуқуқи асосида

## Олмалиқ кон-металлургия комбинати

акциядорлик жамияти жамоаси юртдошларимизни

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 32 йиллиги билан самимий қутлайди!

Янги тараққиёт сари одимлаётган мамлакатимизни ривожлантириш йўлида меҳнат қилаётган юртдошларимизга куч-қувват, сиҳат-саломатлик тилаймиз!

*Байрамингиз муборак бўлсин, азизлар!*

## "Toshkent suv ta'minoti"

масъулияти чекланган жамияти жамоаси халқимизни

Мустақиллигимизнинг 32 йиллик шодиёнаси билан муборакбод этади!

*Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!*

Тобора юксалиб, жадал суръатлар билан тараққий этиб бораётган

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНИМИЗГА АСЛО КЎЗ ТЕГМАСИН!

32

## "YUQORICHIRCHIQ ENERGY SYSTEMS"

МЧЖ ЖАМОАСИ юртимиз аҳлини мамлакатимиз Мустақиллигининг 32 йиллиги билан табриклайди!

*Хонадонларимиздан қут-барака, дастурхонларимиздан тўкин-сочинлик аримасин!*

*Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!*

## Ҳурматли вилоятимиз аҳолиси ҳамда тизимда фаолият юритаётган ҳамкасблар!



*Сизни жамоамиз номидан энг улуғ, энг азиз айём – давлатимиз Мустақиллигининг 32 йиллик байрами*

**билан самимий табриклаймиз!**

Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари жадал одимлаётган, эл азиз, инсон азиз бўлган Ватанимизнинг ушбу қутлуғ байрами юртимизга тинчлик-омонлик, шодлик, фаровонлик, файзу барака олиб келсин!

Янги Ўзбекистонимизнинг бугунги шукуҳли кунларида Сизга ва оила аъзоларингизга узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат тилаймиз!

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

**Жасур АҲРОРОВ,**
**Давлат кадастрлари палатаси Тошкент вилояти бошқармаси бошлиғи**